

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Лицензиялаш: нималар бекор қилинди, нималар қолди

3.10.2018 йилдаги ЎРҚ-494-сон Қонун билан Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатида (Олий Мажлисининг 12.05.2001 йилдаги 222-II-сон қарорига 1-илова) ўзгартиришлар киритилди.

Апрель ойида давлатимиз раҳбари томонидан 7 та лицензияланадиган фаолият турини бекор қилиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинди (11.04.2018 йилдаги ПФ-5409-сон Фармонга 1-илова). Бироқ расмий-юридик нуқтаи назардан қараладиган бўлса, у ёки бу лицензиялар фақат Рўйхатга ўзгартиришлар киритилгандан кейин бекор қилинган деб ҳисобланади, чунки ушбу рўйхат Қонун билан тасдиқланган ва у юқори юридик кучга эгадир.

Шу муносабат билан Рўйхатдан қуйидагилар чиқариб ташланди:

- аэропортлардаги ташиш ишларини бажарувчи ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш фаолияти;
- тамаки хом ашёсини ферментлаш;
- аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш;
- аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЭХМ учун яратилган дастурларни реализация қилиш ва прокатта бериш (илгаригидек уларни такрорлаш, яъни ахборот ташувчиларда бир нусхадан ортиқ тайёрлаш ёки кейинчалик барчанинг эътиборига



етказиш учун ЭХМ хотирасига ёзиб олиш фаолияти лицензияланади — тахр.).

Бундан ташқари, тўртта йўналиш — телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш — битта позицияга бирлаштирилди. Илгари ҳар бири бўйича алоҳида ҳужжат талаб этилган бўлса, энди улар бўйича лицензия умумий бўлади.

Шу тариқа, киритилган ўзгартиришлар натижасида лицензияланадиган фаолият турларининг умумий сони 60 та позициядан 55 тагача қисқартирилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 4.10.2018 йилдан кучга кирди.

Божхона брокерлари суғурталаниши лозим

3.10.2018 йилдаги ЎРҚ-494-сон Қонун билан Божхона кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Божхона брокери фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш — мажбурий

Божхона брокери — божхона расмийлаштируви бўйича операцияларни декларантнинг ёки ваколатли шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан шартнома асосида амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси юридик шахси. Илгари бунга махсус рухсатнома талаб этилар эди, бироқ у 1 июндан бекор қилинди (11.04.2018 йилдаги ПФ-5409-сон Фармонга 1-илова). Шу муносабат билан Божхона кодексига тегишли тузатишлар киритилди (рухсатнома ҳақида ҳеч нарса дейилмаган, тахр.).

Бироқ энди божхона брокери декларант ёки ваколатли шахс олдидаги ўз фуқаролик жавобгарлигини ЭКИХнинг 1 000 баравари миқдорига суғурталаш шарт (мақола эълон қилинган кунда — 184 млн 300 минг сўм). Сумма тасодиқан белгиланмаган, у илгари рухсатнома олиш учун талаб қилинадиган божхона тўловлари тўланишини таъминлаш миқдори билан бир хил.

бўлган ёхуд товарнинг ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси номидан тегишли шартнома ёки ишончнома асосида иш кўрувчи шахс.

Илгари божхона брокерлари суғурталаниши божхона тўловлари тўланишини таъминлаш мумкин бўлган усуллардан бири сифатида ихтиёрий равишда танлаш мумкин бўлган (Божхона кодексининг 339-моддаси). Бунда алоҳида баён этилган суғурталаш тартиби бўлмаган. Суғурталашга мажбурий мақом берилиши билан бундай ҳужжат қабул қилиниши кутилмоқда.

Декларант ваколатлари кенгайтирилди, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар малака сертификати бекор қилинди

Эслаб ўтсамиз, 1 июндан божхона брокерларига мурожаат қилмасдан, БЮДни тўлдириш ва уларни божхона органларига топшириш мумкин бўлди. Барч

часи Интернет орқали реал вақт режимида амалга оширилади. Бунинг учун ЯИДХПда «Декларацияловчи шахслар рўйхати» махсус интерактив хизмати жорий қилинди.

Шу муносабат билан, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳар бир иштирокчиси товарларнинг божхона расмийлаштирувини тўсиқларсиз амалга ошириши учун:

- а) божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака сертификати бекор қилинди. Божхона расмийлаштируви бўй

ича мутахассис — бу божхона брокери ёхуд бошқа юридик шахс билан меҳнат шартномаси тузган ва ушбу юридик шахс номидан божхона расмийлаштируви бўйича иш бажарадиган ходим (Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахси).

Шу тариқа, меҳнат шартномаси тузилган ташкилотнинг ҳар қандай ходими божхона расмийлаштируви билан шуғулланиши мумкин.

б) декларантлар ҳуқуқлари кенгайтирилди. Улар қуйидагиларга ҳақли:

- божхона расмийлаштируви бўйича операцияларни бажариш учун божхона назорати зонасига кириш;
- божхона масалалари бўйича божхона органларидан ахборот ва маслаҳатлар олиш;
- товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона ҳудудидан олиб чиқиш нияти тўғрисида божхона органларини хабардор қилиш;
- дастлабки операциялар амалга оширилаётганда божхона мақсадлари учун зарур бўладиган ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш;
- декларацияланадиган товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона омборларига божхона назорати остида жойлаштириш.

Рухсат олиш ва келишишлар камайтирилди

Киритилган тузатишларга кўра устав фондида давлат улуши бўлган корхоналар:

- товарни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини ваколатли орган билан келишиши;
- товарни божхона ҳудудида/ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш мамлакатнинг иқтисодий манфаатларига зарар етказмаслиги ҳақида ваколатли органнинг ҳулласини олиши шарт эмас.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 4.10.2018 йилдан кучга кирди.

2-бетда

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ҳисоблашга доир

7-БЕТ

Ҳарбий ҳисобда турганликни қаерда қайд этайлик?

8-БЕТ

Корпоратив карта орқали ЯТТдан товар харид қилса бўладими?

Тадбиркорлик учун имтиёзли микрокредитлар

Марказий банк Бошқарувининг қарори (28.09.2018 йилда 2527-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари учун микрокредитлар

Президентнинг «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (14.07.2018 йилдаги ПҚ-3856-сон) билан аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари сирасига кирувчи жисмоний шахсларга қуйидаги шартларда микрокредитлар ажратиш назарда тутилган.

Қуйидагилар микрокредит олиши мумкин:

а) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида рўйхатга олинган ишсиз шахслар;

б) меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар;

в) турмушида оғир ҳаётини вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар;

г) кам таъминланган оилаларнинг аъзолари ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари.

Микрокредитлар қуйидаги мақсадлар учун берилади:

а) шахсий томоққа ва деҳқон хўжалиги инвентари ва ускуналарни ривожлантириш мақсадида иссиқхоналар ташкил этиш, уруғликлар, кўчатлар, чорва моллари ва паррандалар, қишлоқ хўжалиги инвентари ва ускуналарни, суғориш мосламалари (насослар, артезиан кудуқлари ва бошқалар) харид қилиш;

б) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва қadoқлаш, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва ноозик-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун замонавий мини-ускуна ва хом ашё харид қилиш;

в) ишлат қўрсатиш соҳасида, айниқса, маиший, таъмирлаш, таълим, тиббий, ахборот-коммуникация ва бошқа талаб юқори бўлган соҳаларда фаолият қўрсатадиган корхоналар ташкил этиш ва ҳиҳозлаш;

г) қишлоқ туманларида, айниқса, хотин-қизлар ўртасида касаначиликни ривожлантириш;

д) туман ва шаҳарларнинг ишлаб чиқариш ихтисослашуви, мавжуд минерал хом ашё, ер, қишлоқ хўжали-

ги ва бошқа ресурсларни ҳисобга олган ҳолда бошқа йўналишлар.

Ажратиладиган микрокредитларнинг миқдори қуйидагича белгиланди:

➤ таъминотсиз – 100 ЭКИХҒача (қайтармаслик хатари банк ҳисобидан сугурталанади);

➤ таъминот билан – 500 ЭКИХҒача.

Микрокредитлар 6 ойлик имтиёзли давр билан 3 йил муддатга берилади. Микрокредитлаш ставкаси – қайта молиялаштириш ставкасининг 50%и миқдорида (25.09.2018 йилдан МБ ставкаси – 16%).

Юқорида кўрсатилган шахслар микрокредит олиш учун банкка атиги 3 та ҳужжат тақдим этишлари талаб қилинади:

➤ белгиланган шаклдаги ариза;

➤ паспорт нусхаси;

➤ шаҳар (туман) сектори раҳбари ва шаҳар (туман) бандликка кўмаклашиш маркази директори имзолаган белгиланган шаклдаги тавсиянома.

Якка тартибдаги тадбиркорлар ва кичик бизнес учун микрокредитлар

Якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек оилавий тадбиркорлик субъектлари илгари ҳам имтиёзли микрокредитлар олишлари мумкин эди. Бироқ уларни кредитлаш шартлари бирмунча ўзгарди.

Биринчидан, микрокредитнинг энг юқори миқдори 1 000 ЭКИХҒдан 500 ЭКИХҒгача қисқартирилди.

Иккинчидан, кредит ажратиш йўналишлари кенгайтирилди. Энди улар юқорида баён этилган мақсадлар учун тақдим этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 29.09.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, Самир Латипов, «Norma» МЧЖ экспертлари.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

Олов – аёвсиз ёв

Кузнинг ўртаси ҳам келди – ҳарорат пасайди. Ҳовли-жойларда иситиш асбобларидан фойдаланиш бошланди. Бу кезде ёнгин хавфсизлиги бўйича ҳушёрликни айниқса ошириш керак. Кундалик турмушимизда оддий, аммо аҳамияти ниҳоятда катта бўлган ёнгин хавфсизлиги йўл-йуриқларидан айримларини эслатиб ўтаимиз.

Ҳар бир уй соҳиби рўзгор юмушларини бажаришда фақат соз ҳолдаги электр асбобларидан фойдаланиши керак. Уйдан чиқаётганда газ асбоблари ва электр чиқокларини албатта ўчириш. Хонада газ чиқаётгани сезилса, чиқок ва бошқа электр асбоблари, ўқун берувчи воситаларни ёқиш мумкин эмас. Электр асбобларининг ортиқча қизиб кетиш ҳоллари ҳам ёнгин содир бўлишига олиб келади. Баъзида хонадонларда электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир неча ток қабул қилувчи воситаларнинг уланганини ўчратамиз. Бу электр қувватидан фойдаланишнинг ўта хавфли усулидир. Қолаверса, ностандарт электр иситиқлардан фойдаланиш, ёниб турган газ плитаси устида кир қуришти, бензинда кир ювиш ҳоллари ҳам кучли ёнгин чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Одатда тандирхона ва ошхона бинолари хавфсиз, очик жойда қурилган мақсадга мувофиқ. Уй томларида тез ёнувчи буюмлар, иккиламчи уй-рўзгор жиҳозларини сақламаган маъқул. Табиий газни резина шланглар орқали улаш ҳам хавфли эканлигини унутмаслик керак.

Ёнгин хавфсизлиги меъёрлари аслида мураккаб эмас. Фақат уларга ўз вақтида ва тўлиқ риоя этилса, турли хил бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинган бўлади.

Хусниддин Юлдашев, Тошкент тумани ЁХБ кадрлар бўйича ёрдамчиси, катта тажрибани.

- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-2-бетлар
- ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ
– Олов – аёвсиз ёв
2-бет
- ПЕНСИЯ ИШИ
– Бола вояга етмагунча

- Маошга қўшиб, тўлиқ пенсия ҳам бўлади
- Давлат бюджети ҳисобидан
- Судьяларга пенсияга доир имтиёзлар бериш тақлиф этилди
- Ҳуқуққа эга
- Ортиқчаси чегириб қолинади
- Вақтни қўлдан бой берманг
- Қайта ҳисобланади

- Устама ҳақ ва қўшимча тўловлар тўғрисида
- Қайта ҳисоблаш назарда тутилмаган
- Турли мамлакатлардаги пенсиялар ҳақида 10 та далил
3-6-бетлар
- КАДРЛАР БЎЛИМИ
- Ҳарбий ҳисобда туриш: иш берувчи нималарни билиши керак

- Бир йилда иккита қоидабузарлик – ишдан бўшатиш учун асос
7-бет

- ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ
- Корпоратив карта – ҳисоблашиш учун восита холос
- Штатдаги юристми ёки жалб этилган адвокат: қайси бири яхшироқ?
8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман қўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birilashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

АНОНС

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонда илк бор халқаро миқёсдаги муҳим ишбилармонлик тадбири – саккизинчи йиллик Марказий Осиё савдо форумини ўтказди. Тадбир 2018 йил 17–18 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтади. Форум АҚШнинг Халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги (USAID) томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган.

Тошкентда VIII йиллик Марказий Осиё савдо форуми бўлиб ўтади

Марказий Осиё савдо форуми – бизнес ҳамжамиятга 70 млн нафардан ортиқ истиқболли мижозларга эга бўлган Марказий Осиёнинг ривожланаётган бозорларида янги имкониятлар билан танишиш имконини берувчи ўзига хос майдон. Ўтган йили Алматыдаги (Қозғистон) Форум 18 давлатдан 1 100 нафар иштирокчини бирлаштирган эди. Бишкекда (Қирғизистон) бўлиб ўтган 2011 йилдаги биринчи Форумдан бошлаб Осиё, АҚШ, Европа, Яқин Шарқ мамлакатларининг корхона раҳбарлари, давлат арбоблари ва экспертлари ушбу тадбирдан фойдаланиш, битимлар тузиш ва янги ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва келгусидаги шериклиги алоқаларини боғлашнинг ўзига хос майдончаси сифатида фойдаланиб келишади.

«Савдо ва инвестицияларни ривожлантиришдаги янги уфқлар» – жорий йилдаги Форумнинг мавзуси бўлади. Бу мавзу Марказий Осиёнинг, айниқса Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро савдо учун тобора очилиб бораётган иқтисодий ўсиш суръатларини оширишга қаратилган валюта-ни либераллаштиришдан бошлаб, бизнес сектордаги ислохотларга бўлган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Форум билан бир вақтда бутун минтақа бўйлаб турли тармоқдаги корхоналар, хусусан, транспорт, туризм, ахборот технологиялари, асбоб-ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ва бошқа соҳаларни намойиш этувчи кўргазма ташкил этилади.

USAIDнинг Марказий Осиёда рақобатдошлик, савдо ва иш ўринларини ташкил этиш бўйича лойиҳаси Форумнинг ташкилотчиси-дир. Унинг фаолияти Марказий Осиёнинг 5 та мамлакатда озиқ-овқат, туризм, транспорт ва логистика тармоқларида экспортга кўмаклашиш ва бандликни оширишга йўналтирилган. Минтақада компанияларнинг рақобатдошлигини ривожлантириш ва савдодаги тўсиқларни бартараф эта бориб, USAID экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида барқарор ва рақобатдош хусусий секторнинг барпо этилишига кўмак беради.

Қўшимча ахборотни www.catradeforum.org сайтидан олиш мумкин.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Фуқароларнинг пенсия таъминоти – ёшидан қатъи назар, мамлакатнинг барча аҳолисини қамраб олган тизим. Болаларга пенсиялар, нафақалар, имтиёзлар, қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақидаги ўқувчиларнинг барча саволларига шу соннинг саҳифаларида жавоб берилган.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни **norma.uz** сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг **gazeta@norma.uz** ва **ntv@norma.uz** электрон манзилларига йўлланг.

Расмий жавоб

Бола вояга етмагунча

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси кафолатланган ижтимоий ҳимоя турларидан биридир. У вафот этган шахснинг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига мўлжалланган. Балоғатга етмаган болалар ҳам улар сирасига киради. Ушбу мавзуга оид саволларга бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар Бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдурашид Исмоилов жавоб беради.

– Амаким ногиронлик пенсиясини олган, бироқ ишлашда давом этган. Яқинда у вафот этди. Унинг балоғатга етмаган болалари боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олишга ҳақлими? Агар ҳақли бўлса, қаерга мурожаат қилиш ва қандай ҳужжатларни тақдим этиш керак?

– Ҳа, улар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олишга ҳақли. Бунда болаларга пенсия турлар боқувчининг қарамоғида турган-турмаганидан қатъи назар тайинланади.

Пенсия 16 ёшга тўлмаган ёки шу ёшдан катта бўлса ҳам, 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган болаларга тайинланади. Ўқувчилар 18 ёшга тўлгунча

қадар пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси).

Пенсияни расмийлаштириш учун яшаш жойидаги Пенсия жамғармасининг туман бўлимига мурожаат қилиш зарур.

Пенсия тайинланадиган шахс балоғатга етмаган ёки ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз бўлган тақдирда, ариза унинг ота-онаси ёки васийси томонидан берилади (Низомнинг 8-банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова).

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

➤ пенсия тайинланаётган шахснинг ёшини тасдиқловчи паспорт;

БУГУНГИ СОНДА:

МАОШГА ҚЎШИБ,
ТЎЛИҚ ПЕНСИЯ ҲАМ
БЎЛАДИ

Ишлайдиган
пенсионерга
янги йил тўхфаси

3

ҲУҚУҚҚА ЭГА

Устама ҳақдан то
бепул йўлқирагача

5

ВАҚТНИ ҚЎЛДАН
БОЙ БЕРМАНГ

Рўйхатдан ўтиш
мажбурий

6

ТУРЛИ
МАМЛАКАТЛАРДАГИ
ПЕНСИЯЛАР ҲАҚИДА
10 ТА ДАЛИЛ

Хориж
амалиётидан

8

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ахборот кўмағида тайёрланди.

➤ оила аъзосининг вафот этган боқувчи билан қариндошлик муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатлар (никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома);

➤ боқувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

➤ вафот этган боқувчининг иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжат;

➤ вафот этган боқувчининг жамғариб бориладиган пенсия дафтари нусхаси (2005 йил 1 январдан кейин);

➤ вафот этган боқувчининг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

➤ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг вафот этган боқувчининг қарамоғидаги оила аъзолари таркиби тўғрисидаги маълумотномаси;

➤ ўқувчи болаларга – таълим муассасасининг маълумотномаси (252-сон Низомнинг 14-банди).

– **Боқувчисини йўқотганлик пенсияси ҳам вафот этган боқувчининг стажи ва иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқариладими ёки ягона қатъий белгиланган суммани ташкил этадими?**

– Боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг миқдори, бошқа турдаги пенсиялар сингари, боқувчининг стажи ва ўртача ойлик иш ҳақига боғлиқ бўлади.

Чунончи, боқувчи вафот этган кунга қадар унга ногиронлик пенсияси тайинланиши учун зарур иш стажига эга бўлган бўлса, умумий касаллик ёки иш билан боғлиқ бўлмаган майибланиш оқибатида вафот этган боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади (Қонуннинг 17, 21-моддалари).

Оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг таянч миқдори пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30%, лекин ёшга доир энг кам пенсиянинг камида 50%ини ташкил этади (Қонуннинг 26-моддаси).



Маълумот учун!

Ўқиш даврида АКАДЕМИК ТАЪТИЛЛАРДА бўлиш ВАҚТИ ИШ СТАЖИГА қўшиб ҳисобланмайди.

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг таянч миқдори оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун боқувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5%и миқдориди оширилади (Қонуннинг 27-моддаси).

Боқувчи умумий касаллик оқибатида вафот этган ҳамда ногиронлик пенсиясини тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган бўлса, пенсия боқувчининг бор стажига мутаносиб равишдаги миқдорда тайинланади. Бунда унинг миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50%идан кам бўлмаслиги лозим (Қонуннинг 29-моддаси).

– **Ота-онасидан ажралган, қариндошлари тарбиялаётган етим болалар ҳам боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олишга ҳақлими? Меҳрибонлик уйларида яшовчи болаларчи?**

– Ҳа, 16 ёшга тўлмаган ёки шу ёшдан катта бўлса ҳам, 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган етим болалар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга.

Ўқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Пенсия тайинланадиган шахс балоғатга етмаган ёки ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз бўлган тақдирда, бу ҳақдаги ариза унинг қонуний вакили (фарзандликка олувчиси, васийси ёки ҳомийси) томонидан унинг яшаш жойи орқали берилади.

Қуйидагиларга тўлиқ давлат таъминотида турган даврида қуйидаги миқдорда пенсия тўланади:

➤ чин етимларга – ЭКИХнинг 100%;

➤ ота-онасининг биридан ажралганларга – ЭКИХнинг 50%и.

Шу даврдаги тўланиши лозим бўлган пенсия пули боланинг номига тижорат банкида очилган депозит ҳисобварағига ўтказиб қўйилади (Қонуннинг 56-моддаси).

– **Ўғлим боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олади. Ҳозир коллежда ўқияпти. Кейинчалик олий таълим муассасасида ўқимоқчи. Эшитишимча, таълим муассасасида ўқиётганда боқувчисини йўқотганлик пенсияси олий таълим муассасасини тугатгунча, бироқ кўпи билан 23 ёшгача тўланар эмиш. Шу тўғрими?**

– Юқорида баён этилганидек, боқувчисини йўқотганлик пенсияси 16 ёшгача, ўқувчиларга эса 18 ёшгача тўланади.

«Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»-ги Қонунга асосан ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг, ички ишлар органлари бошлиқлар ва оддий таркибдаги шахсларнинг болаларига тайинланган пенсиялар 18 ёшга тўлгунга қадар, ўқувчиларга эса таълим муассасаларини тугатгунча, бироқ 23 ёшга тўлгунга қадар тўланади.

Қонунчиликдаги янгиликлар

Маошга қўшиб, тўлиқ пенсия ҳам бўлади

2019 йил 1 январдан бошлаб мактаб ходимларига пенсия тўлиқ тўланади.

Бу Президентнинг «Халқ таълимини бошқариш тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида (5.09.2018 йилдаги ПФ-5538-сон) назарда тутилган.

Эслатиб ўтамиз, фармон лойиҳаси жамоатчилик томонидан муҳокама қилинётганда мазкур янгилик ҳақида эълон қилган эдик.

Ҳозир ишловчи пенсионерлар уларга тайинланган пенсиянинг 50%ини оладилар. Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда (АВ томонидан 30.04.2011 йилда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган) келтирилган айрим тоифадаги шахслар бундан мустасно.

Энди 2019 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим муассасалари ходимлари бўлган пенсионерлар уларнинг сафига қўшилади. Бунда шарт киритилмоқда – уларнинг ушбу муассасалардаги фаолияти асосий иш жойи деб

ҳисобланиши лозим. Жорий этилаётган норма бир қанча ўзига хос хусусиятга эга:

а) ушбу имтиёздан фойдаланадиган ходимлар тоифаси кўрсатилмаган. Назаримизда, нафақат мактабдаги педагоглар, балки барча ходимлар ҳақида сўз бормоқда;

б) аввалги имтиёزلарни тақдим этиш ҳолатларидан фарқли равишда, мактабдаги иш пенсионернинг ягона эмас, балки асосий иш жойи бўлиши керак. Шу тариқа, мактаб ходимлари бўлган пенсионерларга яна қаердадир ўриндошлик асосида ишлашга рухсат берилади, дея тахмин қилиш мумкин.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Ижтимоий ҳимоя

Давлат бюджети ҳисобидан

Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминланади. Вазирлар Маҳкамаси 13.09.2018 йилда 731-сон билан тегишли қарорни қабул қилди.

Кейинги йилларда халқимизнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида ун ва нон маҳсулотлари нархини оширмасдан ушлаб туриш ушбу соҳада бозор муносабатлари тўлиқ жорий этилмаганлигига олиб келди.

Ўзбекистонда қолипли ноннинг нархи 2014 йилдан буён 650 сўм миқдорига ёки 0,08 АҚШ долларини ташкил этади. Бу нархлар:

- Қозғистонда – 0,32 АҚШ доллари ёки 2 528 сўмни;
- Россия Федерациясида – 0,28 АҚШ доллари ёки 2 212 сўмни;
- Қирғизистон Республикасида – 0,29 АҚШ доллари ёки 2 291 сўмни;
- Тожикистон Республикасида – 0,50 АҚШ доллари ёки 3 950 сўмни ташкил этмоқда.

Шунингдек, бугдой уни нархи ҳам бошқа қўшни мамлакатлар билан солиштирганда анча паст: 0,14 АҚШ доллари (1 кг учун 1 201 сўм). Айни вақтда 1 кг уннинг нархи Қозғистон Республикасида 0,47 АҚШ доллари (3 713 сўм), Россияда 0,36 АҚШ доллари (2 844 сўм), Қирғизистонда 0,49 АҚШ доллари (3 871 сўм), Тожикистонда 0,58 АҚШ долларини (4 582 сўм) ташкил этади.



Натижада донни қайта ишловчи корхоналарнинг зарар билан ишлаши улар молиявий ҳолатининг ёмонлашувига олиб келиш билан бирга, нонни исроф қилиш, қолипли ноннинг нархи унга қилинган харажатларни қопламаслиги оқибатида сифатининг бузилиши ва ҳаттоки, чорва молларига озۇқа ем сифатида едирилиши каби салбий ҳолатларга олиб келди.

Қолаверса, ун ва қолипли нон нархининг анча вақтдан буён пасайтирилган нархларда ушлаб турилиши бозор иқтисодиёти талабларига мутлақо мос келмай қолди.

Мавзуйи сонни Алла Ромашко олиб боради.

Қолипчи нонни истеъмол қилувчи аҳолининг асосий қисми пенсия ва нафақа олувчилар бўлганлигини инобатга олган ҳолда мазкур тоифадаги шахсларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ ва манзилли ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш мақсадида ун ва қолипчи нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун компенсациялар тўлаш механизми жорий қилинди.

Хусусан, 2018 йилнинг 1 октябридан бошлаб 974 765 нафар пенсия ва нафақа олувчиларга (улар жами сони-

нинг қарийб 30 фоизи) ЭКИХнинг 10 фоизи (18 430 сўм) миқдорида компенсация тўланиши белгиланди.

Умуман олганда, ушбу мақсад учун ойига қарийб 18 млрд сўм компенсация пули пенсия ва нафақалар билан бир вақтда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Бу тадбирлардан мақсад пенсионерлар ва аҳоли муҳтож қатламлари моддий аҳолининг ёмонлашувиغا йўл қўймасликдан иборатдир.

pfru.uz хабари асосида.

Норматив лойиҳа

Судьяларга пенсияга доир имтиёзлар бериш таклиф этилди

Олий суд судьяларни пенсия билан таъминлаш шартлари, нормалари ва тартибига доир низомни ишлаб чиқди. Лойиҳа ҚХТБТ порталида муҳокама қилинди.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги Қонуннинг 5-моддасида айтилишича, судьяларни ва уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлашнинг бошқа шартлари, нормалари ва тартиби назарда тутилиши мумкин. Амалда янада имтиёзли қоидаларни қўллашга рухсат берилади. Бу уларни умумий тартибда пенсия таъминотида бўлган ҳуқуқдан маҳрум этмайди, албатта.

Олий суд ишлаб чиққан лойиҳанинг муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

Ёш ва стаж

Таклиф этилган Низомга мувофиқ судьялар қуйидаги пенсияларни олишга ҳақли бўладилар:

а) ёшга доир – судья сифатида камида 15 йиллик иш стажига эга бўлганда эркаклар 60 ёшга ва аёллар 55 ёшга тўлганда (оддий тартибда эркакларга 25 йил, аёлларга эса 20 йил стаж талаб этилади);

б) ногиронлик – судья сифатидаги иш стажидан қатъи назар меҳнатда майибланиш оқибатида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар (оддий тартибда ҳам стаж аҳамиятга эга эмас);

в) умумий касаллик туфайли ногиронлик – I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ёшидан (30 ёшдан 60 ёшга қадар) келиб чиққан ҳолда стажга эга бўлганда – ногиронлик бошланган пайтга қадар судья сифатида 3–10 йил ишлаганда. Лойиҳада зарур стажни анча пасайтириш таклиф этилмоқда;

г) боқувчисини йўқотганлик – вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари. Қуйидагилар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланадилар:

➤ болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар

16 ёшга тўлмаган бўлса ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлсалар. Бунда ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаса;

➤ ота, она, ўғай ота, ўғай она, хотин, эр, башарти, улар пенсия ёшига тўлган (эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда) ёки ногирон бўлсалар;

➤ ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса;

➤ бува ва буви – агар қонунга мувофиқ уларни боқиши шарт бўлган кишилар бўлмаса.

Шуни қайд этиб ўтамизки, қуйидаги ҳолларда судья лавозимидан бошқа ишга ўтказилган шахсларнинг ҳам ёши ва иш стаж юқорида кўрсатилган тартибдагидек қўшиб ҳисобланади:

➤ Президент ёки Ҳукумат қарорлари билан;

➤ судья Қонунчилик палатаси депутати ёки Олий Мажлис Сенати аъзоси этиб сайланганда (тайинланганда);

➤ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзоси сифатида тайинланганда.

Бу – муҳим! Судья сифатида пенсия тайинлаш ҳуқуқини берувчи иш стажига иш ҳақи сақланмайдиган таътилда бўлиш даврлари қўшиб ҳисобланмайди.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Пенсияни ҳисоблаш қоидалари

Пенсия миқдори ҳар бир аниқ ҳолатда унинг таянч миқдори ва устама ҳақлардан келиб чиқиб ҳисобланади. Лойиҳада тақлиф этилган пенсияларга устама ҳақларни тайинлаш тартиби умумбелгиланган тартибдан жиддий фарқ қилмайди.

Пенсия тайинлаш ва тўлаш тартиби

Низомга мувофиқ қуйидагилар пенсия тайинлаш билан шугулланади:

- Конституциявий суд – Конституциявий суднинг судьяси бўлиб ишлаган шахсларга;
- Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти – Олий суд судьяси, шунингдек 2017 йил 1 июнгача Олий ҳўжалик суди судьяси, доимий асосда фаолият юритувчи Судьялар олий кенгаши аъзолари, шунингдек судларда (2017 йил 1 июнгача умумий юрисдикция ва ҳўжалик судларида) ишлаган судьяларга.

Бу – муҳим! Кейинги фаолият туридан қатъи назар, 15 йил судья сифатида ишлаган, умумий асосларда пенсия тайинланган шахсларга Низомга мувофиқ пенсияни қайта ҳисоблаш ҳуқуқини бериш режалаштирилмоқда. Бунда охириги судьялик лавозимидан келиб чиқиб ва Низом кучга кирган кундаги судьянинг тегишли лавозими бўйича иш ҳақини ҳисобга олиб, қайта ҳисоб-китоб амалга оширилади.

Экспертга савол

Ҳуқуққа эга

? Амаким – II гуруҳ ногирони. Пенсияга чиқаётганда унга муайян имтиёзлар бериладими?

Н.К. Тошкент ш.

– Ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча тоифалари учун пенсия таъминоти соҳасида алоҳида имтиёзлар назарда тутилмаган.

Чунончи, II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз яшайдиган шахсларга энг кам иш ҳақининг 50%и миқдорида устама ҳақ ҳисобланади. Ушбу тоифага яшаш жойи бўйича бир ўзи яшайдиган (рўйхатдан ўтказилган), яқин қариндошлари (ота-онаси, эри ёки хотини ва болалари) йўқ бўлган шахслар киради (252-сон Низомнинг 25-банди).

Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат фаолиятини давом эттирган тақдирда, пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш бўйича имтиёз уларнинг барчаларига нисбатан татбиқ этилади (20.11.1995 йилдаги ПФ-1289-сон Фармон).

Бунда ногиронлиги бўлган шахслар бошқа турдаги имтиёзларни ҳам олишга ҳақли. Масалан, Ногиронлар ва кексаларни бепул санаторий-курорт йўлланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (AB

Пенсия тайинлаш учун комиссиялар тузилади. Комиссия пенсия тайинлаш тўғрисида ариза бошқа зарур ҳужжатлар билан бирга келиб тушганидан эътиборан 10 кун муддатда тегишли қарор (пенсия тайинлаш, пенсия тайинлашни рад этиш, тақдим этилган ҳужжатларнинг асослилигини текшириш ҳақида ва б.) қабул қилади.

Ушбу Низомга ва Қонунга мувофиқ бир вақтнинг ўзида пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга унинг танловига кўра пенсиянинг битта тури тайинланади.

Пенсионерга судьянинг пенсия гувоҳномаси берилади, у расмий ҳужжат ҳисобланади.

Ҳужжат лойиҳасида қуйидагилар ҳам қайд этилган:

➤ тақдим этиладиган ҳужжатлар, шунингдек, пенсияларни тайинлаш учун иш стажини ҳисоблаб чиқариш ва тасдиқлаш тартиби;

➤ пенсияларни ҳисоблаш ва тайинлаш тартиби;

➤ пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтказиш тартиби;

➤ пенсияларни қайта ҳисоблаш, тўлаш, ҳисобини юриштиш ва сақлаш тартиби.

Лойиҳа рад этилиши, ўзгартирилиши ёки унга қўшимча киритилиши мумкин.

Олег Гаевый.

томонидан 27.04.2012 йилда 2356-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ II гуруҳ ногиронлари 2 йилда 1 маротаба (навбат асосида) бепул санаторий-курорт йўлланмаларини олишлари мумкин.

Солиқ кодексига II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга бир қатор имтиёзлар берилган. Хусусан:

а) улар ер солигини тўлашдан озод қилинади. Имтиёз яқка тартибдаги уй-жой қурилиши, деҳқон ҳўжалиги юриштиш учун берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органда рўйхатдан ўтган жисмоний шахсларга берилади. Бунда мазкур имтиёзлар солиқ тўловчининг танлаши бўйича фақат битта ер участкасига берилиши мумкин (Солиқ кодексининг 290-моддаси);

б) улар қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинимайдиغان майдон ўлчами – 60 кв.м доирасида мол-мулк солигини тўлашдан озод қилинади (Солиқ кодексининг

275-моддаси). Имтиёз мулкдорнинг танлашига биноан фақат бир мол-мулк объектига тааллуқли бўлиб, жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектларига нисбатан қўлланилмайди;

в) улар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиги солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун ЭКИХнинг 4 баравари миқдоридаги даромадлар бўйича)

озод қилинади (Солиқ кодексининг 180-моддаси);

г) улар учун сугурта бадалининг миқдори унинг белгиланган энг кам миқдорининг камида 50%ини ташкил этиши керак (Солиқ кодексининг 311-моддаси).

II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар пенсионер ҳам бўлсалар, уларга махсус ойлик йўл чиптаси кўринишида шахар ер усти йўловчи транспортдан фойдаланиш бўйича имтиёз берилади. Улар кундузи соат 10.00 дан 16.00 гача метрополитендан ҳам bepул фойдаланишлари мумкин.

Ортиқчаси чегириб қолинади



Пенсия жамғармаси бўлими қандай вазиятларда ёки қайси сабабларга кўра ҳисоблашдаги хато оқибатида пенсиядан чегирма қилишни тўхтатиши мумкин? Масалан, пенсионернинг моддий аҳоли оғир бўлганда.

Н.Т.

– Афсуски, ҳисоблашдаги хато оқибатида пенсиядан чегирма қилишни тўхтатиб бўлмайди. Ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида ҳар ойда пенсия суммасининг 10% ушлаб қолинади. ЭКИХнинг 2 баробаридан кам миқдорда пенсия ёки нафақа олувчи шахслар бўйича ушлаб қолиш пенсия суммасининг 5%гача пасайтирилган (АВ томонидан 26.10.2016 йилда 2835-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).

Бироқ пенсионер Пенсия жамғармаси бўлимининг ортиқча тўланган пенсия суммасини ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қарздорлик у аниқланган санадан бошлаб кўпи билан 3 йил учун суд орқали ундирилади.

Судга даъво аризаси киритилганда чегирма қилиш тўғрисидаги комиссия қарори тўхтатиб турилади (2835-сон Йўриқноманинг 12, 13-бандлари).

Вақтни қўлдан бой берманг



Шу йил июлда 55 ёшга тўлишим билан пенсия тайинлашларини сўраб мурожаат қилдим. Инспектор яна бир нечта архив маълумотномасини тақдим этишим зарурлигини айтди. Маълумотномаларни сентябрда олдим.

Пенсия қайси санадан бошлаб тайинланади – июлда мурожаат қилган кунимданми ёки барча ҳужжатларни топширган кунимданми?

И.С.

– Бу аризангиз Пенсия жамғармаси бўлимининг махсус китобида рўйхатга олинганлигига боғлиқ.

У июлда махсус китобда рўйхатга олинган, ўша пайт қандай ҳужжатлар зарурлигини сизга хабар қилишган ва уларни 3 ойдан кечиктирмай тақдим этган бўлсангиз, пенсия тайинлаш сўралган тақдимнома ёки ариза қабул қилиб олинган кун пенсия учун мурожаат этилган кун деб ҳисобланади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 46-моддаси). Бинобарин, пенсия июлдан бошлаб тайинланади.

Бунда Пенсия жамғармаси бўлимининг қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш ҳақидаги талаби хабарнома кўринишида ёзма шаклда баён этилган бўлиши кераклигини

назарда тутинг. Шунингдек шахснинг пенсия тайинлаш ҳақидаги аризасида (АВ томонидан 17.11.2011 йилда 2282-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқномага 2-илова) қирқма корешок бўлади, унда Пенсия жамғармаси бўлимида тўлдирилаётган қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш зарурлиги қайд этилади.

Аризангиз июлда махсус китобда рўйхатга олинмаган бўлса, барча зарур ҳужжатлар билан бирга ариза тақдим этилган кундан, яъни сентябрдан бошлаб пенсия тайинланади. Сабаби тақдимнома ёки ариза барча зарур ҳужжатлар билан қабул қилиб олинган кун пенсия учун мурожаат этилган кун деб ҳисобланади (Қонуннинг 46, 47-моддалари).

Маълумот учун!

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ айрим **ТОИФАДАГИ** шахслар **ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАРДА** ёшга доир пенсия олиш **ҲУҚУҚИГА** эга.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Қайта ҳисобланади

? Ногиронлик пенсиясидан ёшга доир пенсияга ўтказишда пенсия қандай тайинланади? Ногиронлик пенсиясининг суммасиданми ёки умумий иш стажи ва иш ҳақиданми?

П.Н.

– Ногиронлик пенсиясидан ёшга доир пенсияга ўтказиш пенсиянинг бир туридан бошқасига ўтказиш ҳисобланади. Бунда тайинланган пенсияни тўлаш тўхтатилади ва қонун ҳужжатлари билан қўйиладиган талабларга мувофиқ бошқа турдаги пенсия тайинланади (252-сон Низомнинг 133-банди).

Ёшга доир пенсия тайинлашда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган иш стажи, шунингдек иш ҳақи қайта ҳисобланади.

Устама ҳақ ва қўшимча тўловлар тўғрисида

? «Шухрат» медали билан тақдирланган шахслар пенсияга чиқаётганда устама ҳақ ёки қўшимча тўловлар кўринишида муайян имтиёзларга эга бўладиларми?

А.Д. Тошкент ш.

– Ҳар бир давлат мукофоти алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади. «Шухрат» медалини таъсис этиш тўғрисида Қонун (5.05.1994 йилдаги 1046-XII-сон) қабул қилинган. Мазкур Қонун билан тасдиқланган Низомда ушбу медаль билан тақдирланганларнинг пенсияларига устама ҳақ ёки қўшимча тўловлар назарда тутилмаган.

Президентнинг «Фахрий унвонлар учун тўловлар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонида (17.12.2007 йилдаги ПФ-3942-сон) ҳам «Шухрат» медали билан тақдирланган шахсларнинг пенсияларига қўшимча тўловлар назарда тутилмаган.

Пенсияга устама «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони

тўғрисидаги низомга («Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва олий нишон – «Олтин Юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонун билан тасдиқланган) мувофиқ ЭКИХнинг 100%и миқдориди белгиланади (252-сон Низомнинг 113-1-банди).

Пенсияларга устама ҳақлардан ташқари, ишламайдиган пенсионерларга ПФ-3942-сон Фармонга мувофиқ фахрий унвонлар учун қўшимча ҳақ ҳисобланади (252-сон Низомнинг 114-банди). 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига эса ҳар ойда ЭКИХнинг 100%и миқдориди қўшимча тўлов қўшиб ҳисобланади (14.04.2015 йилдаги ПФ-4715-сон Фармон).

Қайта ҳисоблаш назарда тутилмаган

? 2013 йилда 60 ёшда пенсияга чиққанман. Ўшанда умумий иш стажим 41 йилни ташкил этган. Пенсияга чиқаётганимда белгиланган барча қоида ва талабларга риоя этилган. Пенсияга чиққач меҳнат фаолиятимни давом эттирдим, ҳозир ҳам ишляпман. Асосий иш жойида ва ўриндошлик асосида ишляпман. ПЖга ўз вақтида барча ажратмалар ўтказилмоқда.

Интернетда пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилаётган қўшимчалар ҳақида ўқиб қолдим. Унда ишловчи пенсионерларга келгусида тўлиқ пенсия тўланиши ҳамда тайинланган ёки тайинланмайдиган пенсиялар қайта ҳисоб-китоб қилиниши ҳақида хабар берилган.

Бу қоида янги ўзгартиришлар билан қабул қилинаётгани ёки илгари ҳам кучга эга эдими? Ижтимоий таъминот бўлимига қўшимча иш стажимни тасдиқловчи ҳужжатни топшириб, пенсияга чиққандан кейин ишлаган 5 йил учун пенсиям миқдорини 5 бандга оширишим мумкинми? Бунинг учун нима қилишим керак?

В.С. Тошкент ш.

– Ҳақиқатан ҳам, Пенсия жамғармаси раҳбарияти қуйидагиларни назарда тутувчи ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиққан:

- ишловчи пенсионерларга тўлиқ миқдорда пенсия тўлаш;
- пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қили-

надиган иш ҳақининг энг юқори миқдорини амалдаги 8 ЭКИХдан 10 ЭКИХгача ошириш.

Бунда илгари тайинланган пенсияларни қайта ҳисоб-китоб қилиш фақат пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган ўртача ойлик иш ҳақи 8 ЭКИХдан ошадиган шахсларга дахл этади. Уларнинг пенсияси 8 ЭКИХдан 10 ЭКИХ-

гача бўлган доирадаги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб қайта ҳисобланади. Бунда ҳужжат лойиҳаси ҳали қабул қилинмаган ва келишув босқичида турибди.

Лойиҳада пенсиялар миқдорларини қайта ҳисоблашнинг бошқа турлари назарда тутилмаган. Шу жумладан ёшга доир пенсия тайинлангандан кейинги иш стаж

ва иш ҳақи ҳисобидан пенсиялар миқдорларининг қайта ҳисобланиши назарда тутилмаган, сабаби ёшга доир пенсия тайинлангандан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддаси 5-қисми).

Зафаржон Хўжаев, «Norma» МЧЖ эксперти.

Хориж тажрибасидан

Турли мамлакатлардаги пенсиялар ҳақида 10 та далил

1 Жаҳонда пенсиянинг ўртача миқдори Данияда ойига 2 800 АҚШ долларида, Грузияда ойига 70 долларгача фарқланади.

2 Илк бор давлат даражасидаги ҳарбий пенсиялар Рим империясида Гай Юлий Цезарь томонидан жорий этилган. Россияда илк кексалик пенсиялари Пётр I даврида таъсис этилган ва фақат денгиз зобитларига тўланган.

3 Ирландияда кексалик бўйича ижтимоий сугурта мавжуд эмас. Бу кекса ирландияликлар пенсия олмасликларини афғанистонда, улар учун ягона вариант — нодавлат пенсия жамғармаларида иштирок этиш варианты мавжуд.

4 Жаҳондаги пенсия жамғармаларининг энг катта ҳажми — Япония Давлат пенсия инвестиция жамғармасида. 2017 йил октябрда унда 1,238 млрд АҚШ доллари бўлган.

Норвегия Давлат пенсия жамғармаси иккинчи ўринда — 893 млн доллар.

Шуни эътиборлики, энг йирик жамғармалар рўйхатида 9-ўринни аҳолиси сони атиги 5,9 млн кишини ташкил этадиган Сингапурдаги Central Provident Fund эгаллайди.

5 РФ Пенсия жамғармаси ходимлари сони бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди: 120 минг кишидан ортиқ. Солиштириш учун, АҚШда Social Security Administration ходимлари сони 2 баравар кам, АҚШ аҳолиси эса Россия аҳолисидан 2 баравар ортиқ. АҚШда пенсия ва ижтимоий тўловлар ҳажми 6 баравар кўп: Америкада ўртача пенсия — 1 400 доллар, Россияда — 225 АҚШ доллари (14 минг рубль).

6 Пенсия ёши ҳозир Россияда тақлиф этилаётганидан катта бўлган мамлакатлар бор. Масалан, Исроилда эркаклар 67 ёшда, аёллар эса 62 ёшда пенсияга чи-

қади. Норвегия ва Исландияда эса — ҳамма учун 67 ёшни ташкил этади.

7 Австралияда пенсия ёши 2023 йил июлга келиб 67 ёшгача ошади. Бельгияда пенсияга чиқиш ёши секин-аста ошиб, 2030 йилга келиб 67 ёшга етиши керак. Ҳозир у Чехия Республикасида ҳам тутилган йилига қараб ошмоқда. Чунончи, 1977 йилдан кейин тутилганлар 67 ёшдан кейин, 1995 йилда тутилганлар эса камида 70 ёшда пенсияга чиқади.

8 Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) маълумотларига кўра, Нидерландия, Туркиядаги кекса кишилар пенсияга чиқиш пайтидаги иш ҳақининг 100%дан ортиқ тўлов оладилар. Голландия ва Туркия пенсионерларида бу — тегишinchа 101% ва 102%. Россияда бу кўрсаткич атиги 38%ни ташкил этади.

9 ИХТТ тадқиқотида кирган 35 мамлакатдан иборат рейтинг сўнгиди, қанчалик хайратланарли бўлмасин, Буюк Британия пенсионерлари турадилар. Уларнинг давлат пенсияси охириги иш жойидаги иш ҳақининг атиги 29%ини ташкил этади. Яъни Россиядагидан кам. Тўғри, уларда иш ҳақи ҳам ўзгача. Буюк Британияда базавий давлат пенсияси ҳафтасига 119,3 фунт стерлингни ташкил этади. Пенсия даражаси АҚШдаги иш ҳақига нисбатан 49%га тенг.

10 Хитойда шу пайтгача умумий пенсия таъминоти мавжуд эмас. 1949 йилгача кекса ота-оналарни боқиб учун барча харажатлар улгайган болаларга тўғри келган. Хитой Халқ Республикаси ташкил топган пайтдан бошлаб давлат хизматчилари ва ташкилотда 15 йилдан ортиқ ишлаган саноат ходимлари учун базавий пенсияни назарда тутадиган пенсия таъминоти тизими ташкил этилган. XXI аср бошида пенсия тизими қайта кўриб чиқилди, энди Хитойда давлат сектори ходимлари (партия ходимларидан тортиб шифокорлар ва ўқитувчиларгача), ишчилар, деҳқонлар, хусусий корхоналар ходимлари пенсия оладилар.

Манба: kr.ru.



Мавзуйи сонни Алла Ромашко олиб боради.

Харбий ҳисобда туриш: иш берувчи нималарни билиши керак

Корхонамиздаги ходимлар сони 370 кишидан ошади. Биз ходимларни қабул қилишда давом этаямиз.

Ходимлар харбий ҳисобда турганлиги тўғрисида мудофаа ишлари бўлимига (МИБ) ҳисобот тақдим этишимиз шартми? Ёки МИБга ҳисобот тақдим этмай, ички харбий ҳисобни юритишимиз мумкинми?

— Ҳа, шарт.

Харбий хизматга мажбурлар ва қақирлувчиларнинг ҳисоби «Умумий харбий мажбурият ва харбий хизмат тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини харбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низо (ВМнинг 4.03.2003 йилда 119-сон билан рўйхатдан ўтказилган), Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг харбий рўйхатга олинишини ташкил этиш ва уни юритиш тартибига доир йўриқномага (АВ томонидан 18.07.2002 йилда 1259-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ юритилади.

Идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасалари маъмурияти қуйдагиларга мажбурдир:

➤ корхона, муассасанинг барча харбий хизматга мажбурлар ва қақирлувчиларини Мудофаа вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган қоидалар ва шакллар бўйича тўлиқ ва сифатли рўйхатга олинишини таъминлаш;

➤ захирадаги офицерлар гувоҳномаларидаги, харбий гувоҳномаларидаги, қайд этиш гувоҳномаларидаги ва муқобил хизмат хизматчиларининг гувоҳномаларидаги ёзувларни уларнинг шахсий қарточкаларидаги (Т-2-шакл) ёзувлар билан доимий равишда аниқлаштириб бориш ҳамда ушбу қарточкаларни солиштириш учун хар йили қамиди 1 марта туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимларига тақдим этиш;

➤ харбий хизматга мажбурлар ва қақирлувчиларнинг оилавий аҳоли, яшаш жойи манзили, хизматдаги мавқеи, умумтаълим ва техник тайёргарлигидаги ўзгаришларни мунтазам равишда ҳисобга олиб бориш ҳамда 5 кун муддатда ушбу ўзгаришларни уларнинг шахсий қарточкаларига киритиш, бу тўғрида тегишли харбий рўйхатга олиш органларига улар томонидан белгиланган муддатларда, лекин хар ойда қамиди 1 марта маълум қилиш;

➤ ишга (ўқишга) янги қабул қилинган ёки ишдан (ўқув юртидан) бўшатилган барча харбий хизматга мажбурлар ва қақирлувчилар тўғрисида 7 кун муддатда мудофаа ишлари бўлимларига хабар қилиш;

➤ фуқароларни ишга (ўқишга) қабул қилишда уларда харбий-ҳисоб ҳужжатлари (харбий хизматга мажбурларда — захирадаги офицер гувоҳномасининг, харбий гувоҳноманинг, қақирлувчиларда — қайд этиш гувоҳномасининг, муқобил хизмат хизматчиларида — муқобил хизмат хизматчилари гувоҳномасининг, сафарбарлик қақируви резерви

хизматчиларида — харбий гувоҳноманинг ёки сафарбарлик қақируви резервидаги харбий хизматни тасдиқловчи МИБ маълумотномасининг) мавжудлигини текшириш ҳамда уларнинг харбий ҳисобда туришини аниқлаш;

➤ раҳбарлар, муҳандис-техник ходимлар ва малякали ишчилар таркибидаги харбий хизматга мажбурлар сафарбарлик даври ва уруш даври учун ЎзР иқтисодиёти тармоқларига брон қилиб қўйилишини ўз вақтида расмийлаштириш (Низомнинг 12-банди; Йўриқноманинг 24-банди).

Ишга қабул қилинаётган фуқаро харбий-ҳисоб ҳужжатларини тақдим этишдан бош тортса ёки уларда тегишли белгилар мавжуд бўлмаса (ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида, қабул қилиш куниди амалда бўлган қақируви кечиктирилганлиги тўғрисида), иш берувчи уни ишга қабул қилишни рад этишга тўла ҳақли (МКнинг 80-моддаси).

Юқори органга эга бўлмаган нодавлат сектордаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар харбий ҳисобни юритиш масалалари юзасидан ўзлари жойлашган ҳудуддаги туман (шаҳар) ҳокимликларига ҳисобот берадилар. Ушбу ҳолларда ҳокимлик уларни харбий рўйхатга олиш бўйича бланкалар, ҳисобот шакллари ва бошқа ҳужжатлар намуналари билан таъминлайди (Низомнинг 13-банди).

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Бир йилда иккита қоидабузарлик — ишдан бўшатиш учун асос

Компанияда ҚБ инспектори бўлиб ишлаётганимга кўп бўлмади. Амалийётимда бундай ҳолатга ҳали дуч келмаган эдим. Ишга қабул қилинганимга ҳодимга нисбатан интизомий жазо (2018 йил январда — ҳайфсан) қўлланган экан.

Ишга расмийлаштирилган кунининг эртасига эрталабданоқ ҳодимга нисбатан жарима тарзида интизомий жазо қўллаш таклиф этилган, меҳнат вазифаларини бир неча марта бажармагани ҳақида рапорт келиб тушди.

Иш кўни охирида қолганда иш жойида доим ҳозир бўлмагани ҳақида ҳодим устидан иккинчи рапорт келиб тушди.

Сўнги рапортда ҳодимни ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги учун ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ лойиҳасини тайёрлаш ҳақида раҳбарнинг кўрсатмаси мавжуд.

Мен қандай йўл туттишим керак? Ўз меҳнат вазифаларини бир неча марта бажармагани учун жарима тарзида интизомий жазо қўллаш ҳақида буйруқ чиқаргандан кейин ҳодим ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги учун меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқаришим керакми?

— Меҳнат кодексининг 181-моддасида ишқамс ҳодимларга нисбатан қўллаш мумкин бўлган интизомий жазо турлари санаб ўтилган. Ишдан бўшатиш — сўнгги чора. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асослари МКнинг 100-моддасида белгиланган. Улардан бири ҳодимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги ҳисобланади.

Ҳодим томонидан муайян даврда такроран интизомга ҳилоф ноҳўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади. Унинг муддати аввал

меҳнат вазифаларини бузганлиги учун таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан 1 йилни ташкил этади (МКнинг 100-моддаси 2-қисми 3-банди).

Башарти илгари ҳодимга нисбатан интизомий ёки моддий жавобгарлик чораси ёхуд бошқа таъсир чораси қўлланилган ва меҳнат вазифаларини узрли сабабларсиз такроран бажармаган пайтда у олиб ташланмаган ва сўндирилмаган бўлса, мазкур асосга кўра меҳнат шартномасини бекор қилишга рухсат берилади.

Меҳнат интизомини бузганлик учун меҳнат шартномасини бекор қилиш

интизомий жазо турларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, ҳодимларни ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бажармаганликлари учун меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида ҳам уларни қўллаш тартибига оид барча қоидаларга (меҳнат интизомини бузувчидан тушунтириш беришини талаб қилиш, интизомий жазони қўллаш имкониятини муайян муддат билан чеклаш, битта ноҳўя хатти-ҳаракат учун биттадан ортиқ интизомий жазо қўллашни тақиқлаш ва б.) риоя этилиши керак. Одатда, интизомий жазо бевосита ноҳўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб (ҳодимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмаддан) узоғи билан бир ой ичида қўлланилади. Ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб 6 ой ўтгандан, молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, — содир этилган кундан бошлаб 2 йил ўтгандан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ҳодимга маълум қилиниб, тилхат опинади (МКнинг 182-моддаси).

Меҳнат шартномаси ҳодим айбги хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда

иш берувчи ҳодимни меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида қамиди 3 кун олдин хабардор қилади ёки унга мутаносиб компенсация тўлайди (МКнинг 102-моддаси 5-қисми).

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақида ҳодимни олдиндан огоҳлантиришдан асосий мақсад — унга ишдан бўшашга тайёргарлик кўриш, бу пайтда ўзига мос иш қидириш имконини бериш.

Башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ҳодимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди (МКнинг 101-моддаси).

Қўриб чиқилаётган вазиятда иш берувчи фақат битта — МКнинг 100-моддаси 2-қисми 3-бандига мувофиқ ҳодим ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги учун меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқариши лозим. Бироқ бунда МКнинг 182-моддасида белгиланган интизомий жазо қўллаш тартибига риоя этиш лозим.

Абдусалом Рискўллаев, «Norma» М-ЎЖ бош эксперти.

Эълолар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

Корпоратив карта – ҳисоблашиш учун восита холос

Низомнинг (АВ томонидан 18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 6-бандига мувофиқ, юридик шахслар фаолият юритиш билан боғлиқ харажатларни миллий валютадаги корпоратив банк карточкаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мумкин.

Корхона товарларни кейинчалик комитентга (топшириқ берувчига) бериш учун харид қилиб, воситачилик (топшириқ) шартномалари бўйича хизматлар кўрсатади. Товарлар корхона балансига кириш қилинмайди (фақат балансдан ташқари счётига) ва уларнинг қиймати комитентга (топшириқ берувчига) бераётганда реализация қилинган маҳсулот таннаригига киритилмайди. Шу муносабат билан уларнинг корпоратив карта бўйича харид қилинишини фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар дейиш нотўғри.

Корхона кейинчалик комитентга (топшириқ берувчига) бериш учун корхоналардан, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлардан корпоратив карта бўйича товарларни воситачилик (топшириқ) шартномалари доирасида харид қилиши мумкинми? Ёки фақат товарларни (ишларни, хизматларни) ўз эҳтиёжлари учун харид қилиш билан боғлиқ харажатларни корпоратив карта воситасида тўлаш мумкинми?

– Ҳа, корхона воситачилик шартномалари доирасида товарларни корпоратив картадан фойдаланиб харид қилишга ҳақли.

Воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириги бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади (ФКнинг 832-моддаси).

Топшириқ шартномаси бўйича бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топшириқ берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади (ФКнинг 817-моддаси).

Топшириқ берувчи, шунингдек ко-

митент, вакилнинг (воситачининг) шартномани бажариш билан боғлиқ харажатларини қоплайди (ФКнинг 821, 842-моддалари).

Юридик шахслар фаолият юритиш, шу жумладан давлат бож ва йиғимларни тўлаш билан боғлиқ харажатларни миллий валютадаги корпоратив банк карточкаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мумкин (АВ томонидан 18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 6-банди).

Шу тариқа, комитент (топшириқ берувчи) учун товарни харид қилиш харажатлари тузилган шартнома доирасида воситачининг (вакилнинг) фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ хара-



жатлари деб тан олинади. Тегишинча, воситачи (вакил) корпоратив банк картаси воситасида товарларни харид қилишга ҳақли.

Корпоратив банк картаси – корпоратив банк картасини сақловчисига нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тўлов картаси (Низомнинг 1-банди «а» кичик банди).

Савдо ва хизмат кўрсатиш корхонаси – эквайер банк билан тузилган битимга мувофиқ товар (иш ёки хизмат)лар учун корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилган тўловларни қабул қилиш мажбуриятини олувчи маҳсулот сотувчи, иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахс (ёки якка тартибдаги тадбиркор) (Низомнинг 1-банди «в» кичик банди).

Тўлов терминаллари ўрнатилган савдо ва хизмат кўрсатиш объеклари банк пластик карточкаларидан

фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилишлари шарт (АВ томонидан 27.07.2009 йилда 1986-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 7-банди).

Комитентдан воситачига ўтган ёки воситачи комитент ҳисобидан сотиб олган ашёлар комитентнинг мулки бўлади (ФКнинг 838-моддаси).

Вакил тузган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топшириқ берувчига вужудга келади (ФКнинг 817-моддаси 1-хатбошиси).

Воситачилик (топшириқ) шартномаси бўйича фаолият савдо фаолияти эмаслигини эътиборга олиб (Солиқ кодексининг 350-моддаси 5-қисми), корхона (воситачи, вакил) товарларни корпоратив банк карталаридан фойдаланиб якка тартибдаги тадбиркорлардан харид қилишга ҳақли.

Александр Лобанов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Штатдаги юристи ёки жалб этилган адвокат: қайси бири яхшироқ?

Компаниямиз асосан қурилиш соҳасида иш-тиросликка эга ходимларни тақдим этиб, аутстаффинг хизматларини кўрсатади. Айрим ҳамкорларимизга юрист хизматлари талаб этилади.

Ҳамкорларимизга аутстаффинг хизмати бўйича юристини тақдим эта оламизми? Ёки бунинг учун махсус фаолият тури билан шугулланиш зарурми?

– Ҳаммаси вазиятга боғлиқ. Тўлақонли юридик кузатув учун штатдаги юрист ёки жалб этилган адвокат бўлиши зарур. Бироқ юридик маслаҳат хизматларини лицензия олмаган тижорат ташкилотлари ҳам кўрсатишлари мумкин.

Аутстаффинг, одатда, ходимларни компания штатидан ташқарига чиқаришни аниқлатади. Аутстаффинг-да ходим амалда буюртмачи бўлган компания билан эмас, балки иш ҳақи тўлаш, солиқларни тўлаш, меҳнат қончилигини ижро этиш (ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ва ҳ.к.) функцияларини зиммасига оладиган воситачи ташкилот билан меҳнат шартномасини туза-

ди. Айни пайтда ходимлар амалда буюртмачи бўлган бевосита компания учун ишларни бажаради.

Хўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш уларнинг юридик хизматлари ёки ана шу мақсадда шартнома асосида жалб этилган адвокатлар томонидан амалга оширилади («Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси).

Шунингдек хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди (Қонуннинг 21-моддаси).

Демак, корхона тўлақонли юридик кузатиш учун юрист компания юридик хизматининг (штатдаги) ходими ёхуд жалб этилган адвокат бўлиши керак.

Бироқ юридик маслаҳат хизматлари кўрсатувчи субъектлар доирасини кенгайтириш ҳақида қарор қабул қилинди. Чунинчи, 2018 йилнинг 1 августидан бошлаб белгиланган тартибга кўра, тижорат ташкилотлари

юридик маслаҳат хизматларини адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олмасдан амалга ошириши мумкин. Бироқ бу ташкилотлар фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича ўз мижозларининг судларида вакиллик қилиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар (айни пайтда компаниялар – юридик маслаҳатчилар фаолиятининг батафсил механизми мамлакат Ҳукумати томонидан ишлаб чиқилмоқда) (12.05.2018 йилдаги ПФ-5441-сон Фармон).

Яъни компаниянинг штатдаги юристи ёки адвокат бўлмай туриб, тижорат ташкилоти мақомида бўлганлар ҳозир юридик маслаҳат беришлари мумкин. Бунда фақат юридик маслаҳатлар бериш ҳақида сўз бораётганини инобатга олиш лозим. Мисол учун, штатдан ташқари юрист давфо-эътироз билдира, шартномаларни имзолай олмайди.

Ушбу жавобда жисмоний шахс – юрист билан фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартнома бўйича юридик хизматлар кўрсатиш масаласи кўриб чиқилмади.

Абдурахмон Бахтиев, «Ipar Global» ХК эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирovich
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратова
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўча, 1/1.
Тахририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича (71) 200-00-30.
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 283-32-31, 283-36-32 телефон
рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терлиги ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўроғ бечам – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳоли келишган нархда.
Буюртма 420. Адади 810. Газета 2018 йил 9 октябрь соат 17.00 да топширилди.